

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Андижон вилояти**  
**Улуғнор туман**  
**ҲОКИМИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**



**РЕШЕНИЕ**  
**ХОКИМА**  
**Улугнарского района**  
**Андижанской области**  
**Республики Узбекистан**

170900, Ўзбекистон Республикаси, Андижон  
вилояти, Улуғнор тумани «Оқ-олтин» к.  
Телефон: 2008125 Факс: 7611125

170900, Республика Узбекистан, Андижанская  
область, Улуғнарский район, к. «Ак-алтын»  
Телефон: 2008125 Факс: 7611125

**7.02.2020 йил**

**№ 12-к**

**Туман худудидаги юридик ва жисмоний  
шахсларга тегишли автототранспорт  
воситалари ва уларнинг тиркамаларини  
2020 йил учун мажбурий техник  
кўриқдан ўтказиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқлаган “Траспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни 6, 25-моддаларига асосан

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Улуғнор тумани ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳининг 2020 йил 11 январь кунги “Юридик ва жисмоний шахсларга тегишли автототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги 41/7-27-сонли хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тумандаги барча корхона, ташкилот, муассаса ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини қайд қилиш, мажбурий техник кўриқдан ўтказиш туман ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи (Б.Бадинов) зиммасига юклатилсин, бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сон қарори билан тасдиқланган Низом талабларига тўлиқ риоя қилинсин.

3. Техник кўриқни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш учун тузилган ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага, техник кўриқдан ўтказиш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ушбу қарор “Улуғнор” газетасида эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий “веб” сайтыга жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

6. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 15 февраль кунги 324-қ-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Кўзиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Д.Махсудов